Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 2-may, payshanba № 55 (3248)

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди. Дастлаб касаба уюшмалари Федерациясининг 2013 йилнинг биринчи чораги давомидаги фаолияти таҳлил этилди. Хусусан, касаба уюшмалари томонидан белгилаб олинган 12 та устувор йўналиш ва уларни амалга ошириш юзасидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши иштирокчилар диққат марказида бўлди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Таъкидланганидек, ўтган даврда иккита қонун, еттита меъёрий ҳужжат лойиҳаси кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли таклиф ва хулосалар берилди. «Ишонч телефонлари» тизими фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ва соҳалар бўйича республика бирлашган қўмиталарида ҳам «Ишонч телефонлари» ташкил этилди.

Касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш ишлари якунига етказилиб, илгари фаолият кўрсатган 117 та тармоқ касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари фаолияти тугатилди. Улар ўрнига касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилари, соҳа бўйича Республика бирлашган қўмиталари жорий этилди. Шунингдек, биринчи чоракда нодавлат секторга мансуб 353 та корхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 4,5 мингдан зиёд ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Федерация Кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимлари 20 дан зиёд корхона ва ташкилотда жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашди. Тасдиқланган жадвалга асосан, ҳудудларда «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатлари ўтказилиб, унда маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Уларда меҳнат соҳасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда ижтимоий шериклик тамойилларига алоҳида аҳамият берилаётгани қайд этилди. Жумладан, Федерация Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан имзоланган қўшма тадбирлар режаси асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар алоҳида таъкидланди.

Ўтган даврда касаба уюшмаларининг жамоат назорати ва мониторинг борасидаги фаолияти ҳам самарали кечди. Чунончи, касаба уюшмалари фаоллари томонидан 1012 та корхона ва ташкилотда 7 минг 100 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганилди. Касаба уюшмалари 2012-2013 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини тамомлайдиган 501 минг 148 нафар битирувчининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уч томонлама шартномалар билан қамраб олинишида кўмаклашмоқдалар.

(Давоми 2-саҳифада).

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида яшовчи Юсуф ота Йўлдошевнинг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган.

Жанг майдонларида матонат билан тинчлик учун курашган Ю. Йўлдошев урушдан сўнг уйига, яқинлари бағрига қайтгач, узоқ йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлади. Бугун қарилик гаштини сураётган Юсуф отанинг қалби шукроналик туйғулари билан тўла. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан барча сафдошлари қаторида Юсуф ота ҳам беҳад мамнун бўлди.

— Биз, кексаларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан жуда минатдормиз, — дейди Юсуф ота. — Ҳар доим дуога қўл очганимда мана шундай осойишта, фаровон ҳаётимизга, халқимизнинг бахтига кўз тегмасин, дейман.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Юсуф ота Йўлдошев набираси Муножатхон билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши аъзоларининг навбатдаги ўқув-семинари қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР МАНФААТИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

— Бугун ҳамманинг фикри-зикри Бухоро шаҳрида ўтказиладиган республика талаба ёшларининг «Универсиада — 2013» мусобақаларига муносиб тайёргарлик кўришга қаратилган, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Нодира Алимова.

Дарҳақиқат, шаҳарда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авжида бўлиб, спорт байрами муносабати билан шаҳар гўзал бўстонга айланиб бораётир. Шаҳарни айланиб, бунга амин бўлдик.

Нодира Алимованинг айтишича, бугун вилоят касаба уюшма ташкилотларида рўйхатга олинган 356 790 нафар касаба уюшма аъзосидан 179 622 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2013-2015 йиллар учун 1 та ҳудудий келишув, туманлар ҳамда шаҳарлар миқёсидаги 13 та ҳудудий-тармоқ келишуви, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 5889 та жамоа шартномалари амал қилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Қашқадарё вилоятида ёзги соғломлаштириш мавсумига ҳозирлик қизғин. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, мактаб ўқувчиларини таътил даврида соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарори қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ҲОЗИРЛИК АВЖИДА

Шу муносабат билан вилоятда хайрия ҳашари ўтказилди. Барча ташкилот ва муассасалар томонидан бир кунлик иш ҳақини касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳисоб рақамига тушириш давом этмоқда. Ҳашардан тушган маблағ оромгоҳларни таъмирлаш, жиҳозлаш каби ишларга сарфланади.

Жорий йилда вилоятда мавжуд 19 та болалар ёзги оромгоҳида 26 минг нафарга яқин ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, воҳада мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этиш ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш бўйича яхши анъаналар бор. Вилоят марказида жойлашган 29-умумтаълим мактаби мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Ўтган йили мактаб қошидаги кундузги оромгоҳда 780 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилган бўлиб, бу борада муайян тажриба ҳам мавжуд.

Мактаб ҳовлисига кирар экансиз, бу ердаги саришталик эътиборингизни тортади. Мевали ва манзарали дарахтлар таги юмшатилган, жўяк тортилиб, суғорилган. Анвойи гуллар атрофга ифор таратади. Бўш ерларга помидор, бодринг экилган.

— Мактабимизда «Касаба уюшма боғи» ташкил этилган, — дейди муассаса раҳбари Жамила Тўрақулова. — Жорий йилда ҳам мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шу тариқа мактаб боғидаги дарахтлар сони 2200 тадан ошди. Боғбонимиз Аҳрор Амирқулов ўз ишининг устаси. Қолаверса, меҳнат таълими фан ўқитувчилари Баҳодир Карамов, Рустам Нажимов, Фахриддин Бозоровлар боғдаги ишларга бош-қош. Ўқувчилар эса яқин кўмакчиларимиз.

Масканда Маънавият соатларини ўтказишга катта эътибор берилади. Ҳафтанинг ҳар бир куни ўзига хос номланиб, шу асосда суҳбатлар, турли тадбирлар ташкил этилади.

Ўқув мавсуми якунига оз қолмоқда. Устоз ва мураббийларимиз, етакчиларимиз кундузги оромгоҳни намунали тарзда ўтказишга астойдил ҳозирлик кўришаяпти.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Мамлакатимизда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига алоҳида масъулият билан ёндашиш анъанага айланган. Ўтган йилда Самарқанд вилоятида меҳнаткашларнинг 17 614 нафар фарзанди дам олдирилган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич 21 820 нафарга етказилади. Айни пайтда ёзги таътилнинг мароқли ва мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида пухта ҳозирлик кўрилаётир.

Ўтган мавсумда йўл қўйилган айрим камчилик ва муаммолар амалдаги йилда такрорланмаслиги учун кескин чора-тадбирлар белгилаб олинди. Оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячиларининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Сўлим табиат қўйнида жорий йилда 10 000 нафар бола дам олдирилади. Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ҳомий корхона, ташкилот ва тадбиркорлар кўмагида 11 820 нафар ўқувчи халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда таътилни ўтказишади. Дарвоқе, ҳудуддаги «Золотинка» оромгоҳида Оролбўйи минтақасидан келиб дам оладиган болаларга режалаштирилганидан 150 ўрин кўп ажратилди. Касаба уюшмалари томонидан оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган мутасаддилар рўйхати тузилиб, улар билан суҳбатлар уюштирилди.

Кези келганда, Оқдарё, Самарқанд, Пайариқ ва Пастдарғом туманларидаги касб-ҳунар коллежларининг амалиёт ўтаётган юқори курс ўқувчилари учун 175 ўринли «Меҳнат ва дам олиш», Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 100 ўринли «Интеллектуал ривожлантириш», «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши билан ҳамкорликда 85 ўринга эга «Ҳарбий тарбия ва спорт-соғломлаштириш» оромгоҳларини ташкил этиш режалаштирилганлигини ҳам таъкидлашни истардим.

Бир сўз билан айтганда, 15 майга қадар барча оромгоҳлар мавсумга тайёр ҳолга келтирилади.

Акбар ҚОДИРОВ, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Бахт шаҳрида «ВахтТекефарм» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Натижада 526 та янги иш ўрни яратилди.

526 ТА ИШ ЎРНИ

Айни чоғда бу ерда тиббиёт бинти, тампон, момиқ пахта каби 40 дан ортиқ турда маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, 300 ўринли замонавий ошхона, дам олиш, ювиниш хоналари, тиббиёт шохобчаси улар хизматида.

Келгусида йилига 50 миллион погон-метр турли хил тиббиёт маҳсулотлари, 3 минг тоннадан зиёд момиқ, 2,6 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ФАРҒОНА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Фурқат туман тармоқ кенгаши билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирокида «Устоз-шогирд учрашуви» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

УСТОЗ-ШОГИРД УЧРАШУВИ

Унда туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, халқ таълими бўлими ҳамда туман, шаҳар тармоқ кенгашлари ва улар тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар раислари қатнашди.

Тадбир туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркаси ҳамда «Устоз-шогирд» мавзуидаги кўргазма намойиши билан бошланди. 40 нафар талабанинг бандлиги таъминланди.

Тадбир якунида ушбу йўналишда самарали иш олиб борган бошланғич ташкилотлар рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз

АНДИЖОН

Андижон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар, шунингдек, хотин-қизлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЯРМАРКА ШАРОФАТИ

— Мазкур ярмарка ғоят фойдали бўлмоқда, — дейди шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Иродахон Муродова. – Ярмарка давомида 16 киши доимий иш билан таъминланди, 21 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Тадбир доирасида мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилиги, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суҳбатлар ўтказилиб, фуқароларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Ишлаб чиқариш корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари тадқиқотчилари ва талабалар иштирок этган мазкур анжуманда мутахассисларнинг ноорганик, юқори молекуляр ва органик моддаларнинг кимёвий технологияси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда нефт ва газни қайта ишлаш саноати корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти мавзуларидаги маърузалари тингланди.

(ЎзА)

Ishonch
2013-yil 2-may № 55 (3248)

БАНДЛИК



КАФОЛАТЛАНГАН КЕЛАЖАК

Бухоро вилоятида ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Буни Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу таълим масканини жорий йилда 351 нафар ўқувчи тамомлайди.

Таълим масканида ўқитиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, янги илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тегишли ташкилот ва муассасалар билан уч томонлама шартномалар имзоланиб, ўқувчиларнинг жойлардаги амалиёти самарали йўлга қўйилган.

Суратда: Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари (чапдан) Муниса Темирова, Дилафруз Қўчқорова ва Муниса Аслонова.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Йиғилишда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга айрим аъзо ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар танқид остига олинди. Шу билан биргаликда, касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари томонидан қуйи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ёрдам уюштириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Раёсат йиғилишида Хоразм вилоятида ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитларининг таъминланиши юзасидан иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўйича жамоатчилик назоратининг олиб борилиши ва фуқаролар мурожаатларининг ўрганилиши таҳлил этилди.

Бошланғич ташкилотлар, туман тармоқ кенгашларининг Устав бўйича фаолияти намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш соҳасида касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари олиб бораётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

«Обод турмуш йили» дастури доирасида биринчи чоракда амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар дастури бўйича Федерация Кенгаши ва аъзо ташкилотлардаги «Ишонч телефонлари» орқали фуқароларнинг 500 га яқин мурожаатига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2449 нафар фуқаро ва 12960 та оилага 6 млрд. 325 млн. сўмлик ижтимоий кўмак тадбирлари амалга оширилди.

Жойларда кичик корхоналар ташкил этиш орқали ёш оилалар учун 32 та янги иш ўринлари яратилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда 396 нафар фермер ва 128 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган фуқаро имтиёзли асосда соғломлаштирилди. 17 та ёш оилага 33 та йўлланма имтиёзли равишда ажратилиб, 155 нафар она ва бола биргаликда саломатлигини тиклади. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшмалари томонидан 327 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида касаба уюшмалари стипендияси таъсис этилиб, кам таъминланган оилалардан бўлган 42 нафар иқтидорли талабага жами 6 миллион 300 минг сўмлик стипендия топширилди. Касаба уюшма туризмини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларига 3354 нафар кам таъминланган оила вакиллари учун саёҳатлар ташкил этилди. «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни ижтимоий ҳимоялаш ишларига касаба уюшма қўмиталари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида 259 млн. 700 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда аъзоларни, шу жумладан, кам таъминланган оилаларни имтиёзли асосда соғломлаштириш, касаба уюшмалари тизимида соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларга ҳам алоҳида тўхталинди.

Наврўз байрами муносабати билан касаба уюшмалари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож 23156 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз оилаларга, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларига 820,3 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий кўмак кўрсатилди.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, «Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотлар балансидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан янги иш ўринларини яратиш дастурининг 2012 йил ижроси ҳамда 2013 йил дастури лойиҳаси ҳақида»ги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар кенгаши тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири Раёсат аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, Федерациянинг Ёшлар кенгаши раиси ва ўринбосари сайланди. Тошкент ирригация ва мелиорация институти касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Тиллаев касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши раиси, ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари этиб сайландилар.

Раёсат йиғилишида яна бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

ТАШАББУС

Қаловини топсанг, қор ёнади, — дейди доно халқимиз. Йирик саноат корхоналаридан ҳисобланган «Фарғонаазот» ОАЖ бошқаруви ва касаба уюшма ташкилоти ҳамкорликда ходимларнинг оилавий ҳамда меҳнат шароитини мунтазам яхшилаб боришга ҳаракат қиляпти. Бу борада ўзига хос тажриба ҳам орттирилган.

УЙ ТЎЙЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Тўрт йил аввал корхона кўпдан буён фойдаланилмаётган эски ётоқхона биносини балансига олиб, мукаммал таъмирдан чиқарди. Натижада, 75 та оила шинам уй-жойга эга бўлди.

Обод турмуш йилида ҳам азотчилар жамоаси ана шундай йўл тутди. Йил бошида бир неча корхона, муассасаларга қарашли қаровсиз бинони қайта тиклаш ишлари бошланди. Таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилди ва кўркам турар жой 30 та ёш оилани ўз бағрига олди. Бу уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Таъкидлаш жоиз, бу ерда барча қулайлик яратилган. Хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, марказий иситиш тармоғига уланган. Бундан ташқари, муқобил иситиш тизими ҳам ишлаб турибди. Кичкинтойлар яйраб ўйнайдиган болалар майдончалари барпо этилган. Аҳолининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун корхона томонидан янги турар жойлар билан ёнма-ён «Кимёгар» ёшлар маданият маркази қуриб битказилгани нур устига аъло нур бўлди.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ, «Фарғонаазот» ОАЖ «Кимёгар» газетаси муҳаррири

«ЁШ МУТАХАССИСЛАР» РЕСПУБЛИКА ФОРУМИ ОЛДИДАН

Мамлакатимизда ёшларга муносиб турмуш ва иш шароити яратиш, ўқиб-ўрганиши, касб-ҳунар эгаллаши, иқтидорини намоён этиши учун қулай муҳит яратилган. Касаба уюшмалари ҳам ушбу хайрли ишга муносиб улуш қўшишга интилаётир. Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ушбу йўналишдаги Дастурнинг ижросига доир 5 та бўлим, 10 та банддан иборат тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

ИШОНЧ БОИСИ

Аввалambor, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали 270 та ёш оилага моддий кўмак кўрсатилиб, кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 9 нафар фарзанди учун шартнома пуллари тўлаб берилди. 270 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиланинг фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланди.

Касаба уюшмалари қошидаги Ёшлар кенгаши томонидан амалга оширилаётган режали ишлар эътиборни тортади. Бу ҳақда кенгаш етакчиси, «Намунали милиция таянч пунктлари» ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловининг «Энг фаол касаба уюшма ташкилотчиси» номинацияси ғолиби Акбар Қодиров шундай дейди:

— Бирлашма кенгаши қошида ёшлар масаласи билан шуғулланадиган юридик маслаҳатхона ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар 17 та ёш оила вакилларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Жумладан, 3 та ёш оила вакилларига иш берувчи томонидан тўланиши пайсалга солинаётган 2 млн. сўмга яқин иш ҳақи ундирилди. Бир нафар тиббиёт ходимини ишга тикладик.

Ёшлар ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини муттасил ташкил этиб келаяпмиз. Наврўз байрами арафасида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида мусобақалар ташкил этилди. Унда 16 та туман ва шаҳарда фаолият кўрсатаётган 350 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан 11 минг нафарга яқин ёш мутахассислар иштирок этишди. Шу йилнинг 25-29 март кунлари 1997-1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида велоспорт мусобақаларининг республика чемпионатига мезбонлик қилдик. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган футбол мусобақаларида ҳудуддаги 19 та тижорат банки ёш мутахассислари иштирок этишди.

— ЎзКУФК ташаббуси билан 24-26 май кунлари ўтказилиши режалаштирилган «Ёш мутахассислар» республика форумининг ташкил этилиши ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси, — дейди Акбар Қодиров. — Унда Самарқанддан ишлаб чиқаришга янгилик олиб кирган, ўз ташаббуси билан жамоа эътирофига тушган ёш мутахассислардан 7 нафари иштирок этади. Ишлаб чиқариш нуқталарининг асосий мурвати ёшлар қўлига топширилаётган бир пайтда улар ўзларига билдирилган ишончни тўла оқлашади, албатта.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР

МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг қўшма қарори асосида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови барчада бирдек қизиқиш уйғотмоқда.

Наманган вилоятида мазкур танловнинг саралаш (туман, шаҳар) босқичи қизғин паллага кирди. Хусусан, Чуст туманида 70 нафар маслаҳатчи танлов шартлари бўйича беллашди. 8 та ҳудуддан туман босқичига етиб келган ғолиблар баҳсида Гулчеҳра Тўйчиева («Резаксой» МФЙ) 1-, Гулнора Шарипова («Гулистон» МФЙ) 2-, Муқаддас Мўминова («Мунчоқтепа» МФЙ) 3-ўринни қўлга киритишди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Санобар Юлдашева («Боло» МФЙ) «Энг ташаббускор», Маҳбуба Ҳасанова («Балиқчи» МФЙ) «Энг тадбиркор», Шарифа Эргашева («Қайирма» МФЙ) «Энг зукко», Мунаввар Маҳмудова («Кўча» МФЙ) «Энг ташкилотчи» маслаҳатчилар деб топилди.

Ғолиблар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Муҳайё ИРГАШЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими бош мутахассиси

ЎҚУВ-СЕМИНАР

КУННИНГ МУҲИМ МАВЗУСИ

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан Бутунжаҳон меҳнат муҳофазаси куни муносабати билан ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда вилоятнинг 16 та корхона, ташкилот ва муассасаси бош муҳандислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ва касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К. Акбўтаев ва бошқалар куннинг муҳим мавзуси атрофида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Навоий вилоятида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан амалий семинар ўтказилди.

Унда вилоятнинг туман ва бошланғич ташкилотларида олиб борилаётган ислоҳотлар ва келгусидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Икромхон Нажмиддинов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева маъруза қилдилар.

М.АЛОВИДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари томонидан Бухоро вилоятидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллари учун ўқув-семинари ўтказилди.

Унда Марказий кенгаш раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Гўзал Тохтаева Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари етакчиларининг I Республика Форумида маъқулланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича Дастурини амалга оширишга қаратилган вазифалар юзасидан маъруза қилди.

Шунингдек, тармоқ Марказий кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева тиббиёт муассасалари ходимлари, талаба-ўқувчилари ўртасида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш бўйича мавжуд тажрибаларга тўхталиб ўтди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бугунги кунда ҳаётимизни банклар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, истайимизми-йўқми, ҳар қадамда молиявий муассасалар тизимига мурожаат қилишимиз ва улар билан ҳамжиҳатликда ишлашимизга тўғри келади.

МИЖОЗЛАРГА ИМКОНИЯТ

Буни яхши ҳис этган АТИБ «Ипотека банк» Ҳамза филиали жамоаси ҳам жорий йилда эътиборли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўтган вақт давомида уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга 82,5 млн., истеъмол кредитлари учун 90,9 млн., тадбиркорлик субъектларига ўз бизнесларини ривожлантириш учун қарийб 5066,6 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитларнинг қарийб 1.500 млн. сўмини бевосита тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизларнинг ўз бизнесларини янада ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Банк жамоаси томонидан ёшларнинг келгусида етарли билим олиши ва аниқ касб эгаси бўлиб етишиши учун салкам 15 млн. сўмлик таълим кредитлари ажратилди. Айни пайтда ушбу йўналишга ажратилган кредитлар миқдори 115,7 млн. сўмни ташкил этди.

Банк филиали бошқарувчиси М. Абдукаримовнинг таъкидлашича, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 27143 дона дуэтли, 3361 та онлайн пластик карточкалар муомалага чиқарилган. Айни пайтда филиал ҳисобида 600 тадан зиёд терминаллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми савдо ва пулли хизмат кўрсатиш корхоналарига, қолган қисми коммунал кассаларга ўрнатилган. Ўтган даврда мазкур терминаллар орқали 20803 млн. сўм миқдоридаги тўловлар амалга оширилган.

Филиал томонидан пул кредит сиёсатини амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда 30 дан зиёд жамғарма касса ва мини банклар ташкил этилган. Натижада, ўтган чоракда ушбу жамғарма кассалар томонидан 8205,8 млн. сўмлик нақд пул маблағлари қабул қилиб олинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 млрд. сўмга кўп демакдир.

— Албатта, банк фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди М. Абдукаримов. — Туман пул-кредит сиёсати комиссияси билан ҳамкорликда мунтазам равишда нақд пул тушумлари назорат қилиниб, таҳлил ўтказиб келинмоқда. Бу ўз навбатида, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига чек қўйишга замин яратмоқда.

Обод турмуш йили муносабати билан мижозларга, шу жумладан, ёш оилаларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ортиқча банк харажатларини кескин қисқартириш, даромадлик даражасини ошириш ҳисобига кредит портфели ҳажмини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Жорий йилда филиалнинг ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида йирик айланма маблағларига эга бўлган мижозларни жалб этиш, янги инвестицион лойиҳаларга эга бўлган кредитларни кўпайтириш режалаштирилган.

У. ИБОДИНОВ

Ishonch
2013-yil 2-may № 55 (3248)

АЁЛЛАР МАНФААТИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

2012 йилда ҳудудий келишув доирасида вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий бюджетдан 2 ёшгача болалари бўлган ишламайдиган оналарга 32,5 млрд. сўм, 16-18 ёшгача фарзандлари бўлган ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пули ҳисобига 20,9 млрд. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи-хизматчиларга, айниқса, аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилаяпти. Жумладан, ўтган йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1841 та корхонада 6610 нафар кам таъминланган оила вакилларига 382,4 млн., 85 нафар янги оила қурган ёшларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 1 млрд. 800,7 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 6381 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш учун 786,6 млн. сўм, 508 та корхонада 1667 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар қийматини қоплашга 156,1 млн. сўм сарфланди.



Иш берувчилар ҳисобидан 2158 нафар ишловчи аёллар қайта ўқитилиб, малакаси оширилди. Иш берувчилар маблағи ҳисобидан 132 нафар аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътили узайтирилди.

Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан туманларининг пахта тозалаш заводларида, «Бриллианс силк», «ДЭУ ТЕКСТИЛ БУХОРО» қўшма корхоналарида аёллар гигиена, душ хоналари иситиладиган поллар билан қопланган бўлиб, ечиниш, кийиниш хоналари янги шкафлар билан жиҳозланган. Бухоро вилоятидаги минтақавий 1-қон қуйиш маркази, Бухоро шаҳар 2-туғруқ комплекси, Когон шаҳар 7-сон умумтаълим ўрта мактабида ҳам худди шундай шароитлар яратилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги ўқув-семинари «Гранд Бухоро» меҳмонхонасининг мажлислар залида ташкил этилди. Унда Бухоро вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, комиссия аъзолари ҳамда Бухоро вилоятидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият юритаётган фаол аёллар қатнашди.

ЎзКУФнинг Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова семинарни очар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни борлиги, айниқса, касаба уюшмалари ҳаракатини мустаҳкамлашда аёллар фаол иштирок этаётганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, кенгаш аъзолари хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг фаоллигини оширишда тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётгани, нодавлат корхоналарда ишлаётган хотин-қизлар, ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олиш учун соғлом меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш орқали аёллар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, аёллар ва уларнинг фарзандлари, айниқса, талаба ва ўқувчи қизларни соғломлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Тўйева семинар иштирокчиларини қадимий ва навқирон шаҳарга ташрифи билан қутлаб, истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, вилоятда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги эзгу ишларда касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қўл келаётганига эътиборни тортди.

— Бандлик дастури асосида 2012 йилда 73,7 мингта (шундан 30,6 мингтаси аёллар учун) янги иш ўрни яратилди, — деди у, жумладан. — 2013 йил 1-чоракда эса аёллар учун 6229 та иш ўрни ташкил этилиб, бу борадаги режа ошириб бажарилди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ҳисобидан 255 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ҳамда якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 3111 та, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш орқали 936 та, фермер ва деҳқон хўжаликлари йўналишида 1550 та иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг ишончлилиги таъминланди. Шунингдек, кам таъминланган 505 та оилага ҳомийлар ҳисобидан бепул қорамол бериш орқали аёлларнинг бандлиги таъминланиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 10 мингдан ортиқ аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, қишлоқ хўжалик, маиший хизмат, ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, вилоят тажрибасидан келиб чиқиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллаларда «Оилани ижтимоий ҳимоялаш» марказлари ташкил этиш ҳисобидан 1200 нафар аёл ўз иш жойига эга бўлди.

ЎзКУФКнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимояси бўлими бош мутахассиси, Хотин-қизлар кенгаши аъзоси Клара Шаюсупова ўз маърузасида жамоа шартномаларида хотин-қизлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасига оид бандларнинг киритилиши ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалалари юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, семинарда Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари Бахтиёр Қаюмов, Икромжон Тошов жамоа шартномалари ва келишувларига хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг киритилиши ва уларнинг бажарилиши ҳамда назарда тутилиши шарт бўлган қонун нормаларининг ижроси ва Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни ҳақида фикр алмашдилар.

Семинарда ЎзКУФ Хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, улар манфаатларини ҳимоялаш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга доир иш тажрибаси намуна сифатида ўрганилди.

Иштирокчилар беш гуруҳга бўлиниб, Хотин-қизлар кенгаши ҳамда ҳудудий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш орқали ишловчи хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий саводхонлик доирасини кенгайтириш, маданий-маърифий ишларга жалб этиш, улар ҳаётига чуқур кириб бориш масалалари бўйича тренинг машғулотларини олиб боришди.

Машғулотлардан сўнг, иштирокчиларнинг қадимий ва навқирон шаҳар бўйлаб саёҳати ташкил этилди. Иштирокчилар истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги билан амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Улуғ аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Саййид Амир Кулол ҳазратлари қадамжоси зиёрат қилинди.

— Ўқув-семинар менда катта таассурот қолдирди. Унда аёлларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, амалдаги қонунларда улар учун белгиланган имтиёзлар берилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги ишларни бундан-да такомиллаштириш учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида атрофлича билим ва кўникмага эга бўлдик. Шунингдек, комиссия фаолиятини янада самарали олиб бориш юзасидан керакли маълумотлар олдик, — дейди Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова. — Машғулотлар изчил ва самарали ишлашимизга кенг имкон яратади. Бундан кейин, жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш комиссияси аъзоси сифатида барча корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси ва иш берувчи ўртасида тузиладиган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди киритилиши ва унинг бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги ишларимизни янада кучайтирамиз.

— Ўқув-семинар менда катта таассурот қолдирди. Шу баҳонада шаҳар билан яқиндан танишдик. Айниқса, Бухоронинг тимсоли бўлган Лаби ҳовуз атрофида жойлашган Нодир Девонбеги мадрасасига ташрифимиздан оламолам руҳий қониқиш олдим, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири Наргиза Асадова. — Ҳар куни оқшомда бу ерда хорижлик меҳмонларга Бадиий академик ва халқ жамоалари Бухоро вилоят бўлимига қарашли «Бухорча» ашула ва рақс ансамбли ҳамда Бухоро шаҳридаги «Авация» модалар театри жамоаси томонидан концерт ва миллий кийимлар намойиши ўтказилар экан. Биз ҳам ана шу тадбирлар меҳмони бўлдик. Бир томонда асрий асори-атиқалар, бир томонда ҳунармандчилик буюмлари савдоси, яна дунёнинг турли бурчакларидан келиб, ўзбекча сўриларда, ўзбекона кўрпачаларда, миллий кийимларимизни ҳавас билан кийиб олиб, миллий таомларимиздан тановул этаётган хорижлик меҳмонлар завқи бизда фахр ҳиссини янада кучайтиради. Миллий куй-қўшиқларимиз, миллий кийимларимиз, қўйингки, миллий тафаккуримиз нақадар кенг ва бетакрорлигини яна бир карра ҳис қилдим.

Сафарни якунлаб, ортимизга қайтар эканмиз, ҳеч кимга хайр демигимиз келмади. Барчамиз гўзал таассуротлар оғушида эдик.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг жорий йилдаги 1-сони Обод турмуш йилининг моҳиятига бағишланган ушбу мавзудаги мақола билан очилади.

Халқимиз ҳаракат ва интилишларининг негизида, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам. Истиқлол йилларида бу борада улуғвор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Яратувчилик ва бунёдкорлик ҳаёт тарзимизга айланди. 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб номланиши эса ушбу йўналишдаги эзгу ишларни янгича руҳ ва шижоат билан давом эттиришимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий замин яратиши шубҳасиздир.

«Эзгу мақсад ва муҳим вазифалар» сарлавҳали мақолада айнан шу ҳақда сўз боради. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мамлакатимизнинг барча фуқаролари олдида турган вазифалар батафсил баён этилади.

Журналнинг янги сонида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаеванинг «Халқимиз турмуши ободлигини оширишда камарбастамиз» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Мақолада таъкидланишича, ўтган 2012 йилда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширишга эришилди. Бунда касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўрнатилган ижтимоий шериклик имкониятларининг кенгайтирилганлиги айни муддао бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг амалиётга тадбиқ этилиши бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мақолада Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда имзоланган тармоқ ва ҳудудий Келишувлари, жамоа шартномаларининг ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини амалга ошириш, қулай иш шароитлари яратиш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш сингари кўплаб йўналишларда самарали саъй-ҳаракатлар ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Маълумки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга ошириш ҳамда бу жараёнда мамлакатимиз аҳолисининг тўлақонли иштирокини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир. Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти бўлмиш маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий мақомини мукаммаллаштириш, фаолиятини такомиллаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувчи раиси Анвар Аҳмедовнинг «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг муҳим асоси» сарлавҳали мақоласида шу ҳақда сўз боради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоевнинг «Мустақил суд тизимига эга бўлиш учун» мақоласида республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти «Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик» кафедраси мудири, профессор Ўразали Тошматовнинг «Ўзбекистон халқларининг миллий турфа хиллик борасидаги ҳуқуқлари» мақоласида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети «Давлат- ҳуқуқ назарияси ва бошқарув» кафедраси ўқитувчиси Наргиза Дўстмуҳамедованинг «Хорижий мамлакатлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили» ва Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тадқиқотчи-изланувчиси Саида Саидованинг «Мағриб мамлакатларининг сиёсий институтлари эволюцияси» мақолаларида чет элларда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил тадқиқотчиси Умид Саидаҳмедовнинг «Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг тарихий ва ҳуқуқий асослари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси Мансур Мусаевнинг «Ахборот хуружи ва унинг халқаро муносабатларга таҳдиди» сарлавҳали мақолаларида бугунги куннинг энг долзарб масалалари тилга олинади.

Шунингдек, журналнинг мазкур сонида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2012 йилги фаолияти ҳақида ҳисобот эълон қилинган ва турли анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар тўғрисидаги ахборотларга ҳам кенг ўрин берилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Марғилон шаҳардаги ППХ биносини мукаммал таъмирлаш».
Муддати — **30.09.2013 йил.**
Бошланғич нархи — **106 380 200 сўм ҚҚС билан; 88 650 167 сўм ҚҚС сиз.**
Манзил: Фарғона шаҳар, Навоий кўчаси, 13, тел. (8-373) 224-29-08.
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:
ҳарбий объектларда **лицензия ҳуқуқига эга** бўлиши, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 224-18-71.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.*
Хизматлар лицензияланган


«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига **1.**«TELEKOM QURILISH» МЧЖ томонидан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-уй манзилида сақланаётган, 1992 йилда и.ч, д/р 01 664 WBA, бошланғич нархи — 1 560 000 сўм бўлган, ВАЗ 21063 русумли;
2.«O`zkimyosanoatloyiha» ОАЖ томонидан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 4-уй манзилида сақланаётган 1978 йилда и.ч, д/р 11 AF 892, бошланғич нархи — 3 019 070 сўм бўлган, АГБПАЗ-672 русумли, 1993 йилда и.ч, д/р 11 AL 119, бошланғич нархи — 1 880 038 сўм бўлган, РАФ 220301 русумли;
3. «Respublika qishloq xo`jalik ekinlari birlamchi urug`chiligi va urug`shunoslik stansiyasi» томонидан Тошкент шаҳар, Наманган кўчаси 70-уй манзилида сақланаётган 1999 йилда и.ч, д/р 01 599 LBA, бошланғич нархи — 1 810 000 сўм бўлган, Тико русумли автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2013 йил 3 июн куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари ушбу савдо кунида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 19 июн куни соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.
Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилашидан бир кун олдин тўхтатилади.
Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Тел: 144-66-55, 233-33-37.
Хизматлар лицензияланган

2011 йил 12 октябрдаги р-3-7713 реестр рақамли олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Сапаров Исламбек Рустамовичга тегишли бўлган хонадоннинг 30.01.2012 йилда берилган ТА №1418513 серияли «Бино иншоотларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch
2013-yil 2-may № 55 (3248)

БОЛАЛАР СПОРТИ



ҒАЙРАТИ ЗЎР, ЗАВҚИ ҲАМ

Наманган шаҳридаги 25-олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 324 нафар ўғил-қиз 14 малакали мураббийдан теннис сирларини чуқур эгалламоқда.

Ёш теннисчилар учун мўлжалланган хоналар, очиқ ва ёпиқ кортлар замон талаблари даражасида, зарур инвентарлар билан жиҳозланган. Яратилган замонавий шарт-шароит ва қулайликлардан унумли фойдаланаётган завқи ва ғайрати баланд спортчилар профессионал маҳоратини мунтазам ошириб, мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

Суратда: Наманган шаҳридаги 25-олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби теннисчиси София Нуриддинова

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жорий йил бошида ўтказилган йиғилишида тасарруфдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида икки босқичли «Саломатлик» спартакиадасини ўтказиш бўйича Низомни тасдиқлаган эди. Спартакиаданинг биринчи босқичи коллежларда — ҳудудий ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳамда коллежларнинг жисмоний тарбия бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Мусобақаларда 1137 нафар ўқувчи иштирок этди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Спартакиаданинг иккинчи босқичи Тошкентдаги «Локомотив» Марказий спорт клуби базасида ўтказилди. Ушбу босқичда ўқувчилар спортнинг мини футбол, волейбол, стол тенниси турлари ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» тестлари бўйича маҳоратларини намойиш этдилар. Қизғин кечган баҳсларда Қўқон темир йўл касб-ҳунар коллежи ўқувчилари мини футболда, самарқандликлар волейбол ва стол тенниси мусобақаларида биринчиликни қўлга киритишди. Тошкентлик коллеж ўқувчилари «Барчиной» тест синовларида устунликка эришдилар.

Умумий жамоа ҳисобида эса Самарқанд темир йўл касб-ҳунар коллежи жамоаси ғолиб чиқди. Қўқонликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Самарқандлик ўқувчилар Хумоюн Мирзаев ва Нодира Қурбонова мусобақанинг «Энг ёш қатнашчиси» сифатида рағбатлантирилди.

Адҳам ДАМИНОВ

ШИФО МАСКАНЛАРИДА

— Туни билан тишинг азоб бериб йиғлаётувдинг, мана энди оғримайди, болажоним. Қўшқўпир туман тиш даволаш муассасаси эшигига яқинлашган қизалоқ бувисининг гапларини эшитиб, хотиржам тортди. Орадан бир оз вақт ўтгач, юзидаги қўрқинч ўрнини эгаллаган ширин табассумини кўриб навбат кутиб турганларнинг ҳам дили ёришди. — Аввалларитишимиз оғриса ё тиш қўйдирмоқчи бўлсак, Урганч шаҳрига борар эдик. Аммо яқинда «тиш даволаш муассасасига янги асбоб-ускуналар келибди» деган гапни эшитгач, бу ерга келдик, — дейди «Незахос» жамоа хўжалигидан ўғли Бобуржонни олиб келган Саломат Рўзматова.

ТИШИНГИЗ ОҒРИМАСИН

— Мен бу ерга кўп вақтлардан бери қатнайман, — дея суҳбатга қўшилди Дилфуза Каримова. — Мана тишларимни қўйдирганимга 20 йилдан зиёд вақт бўлди, ҳали ҳеч бир ўзгариш бўлмади. Шифокорларимизга мингдан-минг раҳмат, бор бўлишсин!

Хизмат турлари ва олиб борилаётган ишлар хусусида, шифо маскани раҳбари Ш.Оллаберганов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жамоамизда 70 дан зиёд ходим бўлиб, улардан 45 нафари шу ерда, қолганлари туман ҚВПларида ташкил этилган стоматология шифохоналарида фаолият кўрсатмоқда. Фаолиятни янада такомиллаштириш, енгиллаштириш мақсадида «Саломатлик-3» дастури орқали ажратилган янги асбоб-ускуналардан иккитасини шу ерда, қолган учтасини Хонобод, Оқдарбанд ва Ғозовот қишлоқ врачлик пунктларига ўрнатдик. Натижада, беморларга энг сўнгги технологияларда, оғриқсиз, сифатли ва малакали хизмат кўрсатишни ташкил қилишга эришдик. Бундан ташқари, пуллик хизматни ҳам йўлга қўйдик. Сабаби, кўп фуқароларимиз куни билан ишда бўлиб, даволанишга вақт топа олмайдилар. Ана шулар учун куннинг қайси палласи бўлмасин, ходимларимиз чин дилдан хизмат қилишга шайлар. Қолаверса, сўнгги русумдаги, замонавий дори-дармон, тиш қоплаш ва ямаш воситаларидан фойдаланилмоқда. Яқинда пуллик хизматимиздан топилган даромад эвазига 12 млн. сўмлик янги тиббий асбоблар сотиб олдик. Ҳар йили шифокорларимиз Тошкент шаҳрида малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Жамоамиз аъзолари О.Ибрагимов, Қ.Қаландаров, Х.Қурбонбоева ва М.Қўшназароваларнинг фаолиятидан туман аҳли миннатдор.

Даволаш муассасасида тиш олиш, қўйиш, даволаш, физиотерапия, диагностика хизматлари амалга оширилса-да, ходимлар боғдорчилик ва балиқчиликда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён қилишмоқда. Обод турмуш йилида иш жойларини ободонлаштиришга енг шимарган муассаса ходимлари тиббиёт маскани атрофига 300 га яқин мевали дарахтлар, 400 дан зиёд атиргул кўчатларини, турли сабзавот ва полиз экинларини экиб парваришламоқдалар. Даволаш муассасасининг мўъжазгина ҳовузида эса балиқ етиштирилмоқда.

Биллура ТОЛИПОВА, Хоразм вилояти

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Хабарингиз бор, 2015 йилда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтади. Жойларда мазкур мусобақага тайёргарлик жараёни аллақачон бошлаб юборилди. Яқинда Қарши шаҳрида 5-7, 8-9 синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди.

ЧИРОҚЧИНИ ЁРИТГАН НУР

Бунгача туманлар миқёсида, сўнгра ҳудудий беллашувларда ғолиблар аниқланганди.

— Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ўртасидаги ҳудудий баҳслар Чироқчи туманидаги спорт иншоотларида ташкил этилди, — дейди «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг туман кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Жуманов. — Мусобақада мезбонларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Баскетболчиларимиз ҳам қизлар, ҳам ўғил болалар ўртасида ғолибликни қўлга киритди. Абдуқаҳҳор Аннабозоров қўл остида шуғулланган волейболчи қизларимиз барча рақибларидан устун келиб, юқори маҳорат эгаси эканликларини исботлашди. Кураш, белбоғли кураш ва енгил атлетикачилар устозлари ишончини оқлашди.

Енгил атлетика мураббийи Рисолат Назарова, баскетбол бўйича Шерзод Тошев, Акром Бойхонов, курашчи устозлар Зокир Қобилов, Баҳриддин Ёрматов, ёшларга белбоғли кураш сирларини ўргатаётган Абдували Саидов, Шермурод Шоймуродов каби мутахассислар ўз олдига катта мақсадларни қўйишган.

Қарши шаҳрида ўтган мусобақанинг вилоят босқичида Чироқчи тумани ёш спортчилари белбоғли кураш, шахмат беллашувларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасини банд этишди. Сузувчиларимиз, баскетбол ва волейболчи ўсмирлар совринли ўринлардан жой олган бўлса, кураш, спорт гимнастикаси турларидан кучли тўртликка киришди.

Натижалар сарҳисоб қилинганда, Чироқчи туман терма жамоаси 110 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Китоб туман жамоаси 86 очко билан иккинчи, нишонликлар 81 очко тўплаб, учинчи поғонадан жой олишди.

Чироқчи тумани мураббийларининг асосий мақсади — 2015 йил Урганчда ўтадиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичида вилоят шарафини муваффақиятли ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлашдир.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Қизлар беллашганда

Навоий шаҳридаги 5- сонли олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қизлар ўртасида эркин кураш бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада 57 нафар қиз ўзаро беллашди. Муросасиз кечган курашлар якунига кўра Д.Отақулова , Р.Баҳромова, Н.Шодиқулова, М.Муртазоевалар биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Тун ярмида Салоҳиддин аканинг дарвозаси тақиллади. У эринибгина ўрнидан қўзғаларкан:

— Ким экан ярим кечаси келган, тинчликмикан ишқилиб, — деди норози оҳангда.

— Чиқиб кўринг-чи, бундай бемаҳалда бекордан бекорга бировнинг эшигини тақиллатишмайди, — деди хавотирланиб хотини.

Салоҳиддин ака эгнига тўнини ташлаб, йўлакка чиқди. Кўчада ранги бўздек оқариб кетган қўшнисининг қизи Наргиза турарди.

— Нима гап, нима бўлди?

— Амаки, тез бизникига чиқиб, дадамларни тинчлантириб қўймасангиз бўлмайди. Ичиб келиб... — Наргиза йиғлаб юборди.

Салоҳиддин ака рўпара қўшниси Салимни яхши танирди. Ўзи қўлигул қурувчи. Ичкилик касофатига йўлиқди-ю, рўзғоридан барака кетди. Кунда, кунора оилада уруш-жанжал. Бир-икки чиқиб насиҳат ҳам қилди. Лекин қани қулоғига олса. Яқин-яқиндан хотинига зуғум ўтказадиган одат ҳам чиқарди. Аммо, Салоҳиддин ака маст одам билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади.

Жовдираб турган қизга қараб, насиҳат оҳангида:

— Ойингга айт, қизим, битта гапдан қолса ҳеч нима қилмайди. Бироздан кейин аданг тинчиб қолади. Аччиқ-аччиқ чой дамлаб берсанг, бир зумда ўзига келади, — дея эшикни беркитди.

МЕНГА БАРИБИР, СЕНГА-ЧИ..?

Сожида опа деразадан кузатиб турган экан, шекилли, эрига:

— Дадаси, чиқсангиз бўларди, кўздай қўшнимиз ахир. Болаларига ёки хотинига бирор кори-ҳол етказмаса гўрга эди, — деди аста.

Салоҳиддин аканинг жаҳли чиқди.

— Эр-хотинниинг орасига эси кетган одам тушади. Эртага икковлари апоқ-чапоқ бўлиб кетишади. Қайтага уларга ёмон кўринганим қолади, шунгаям ақлинг етмадими?

Лекин эрталаб ишга кетаётган Салоҳиддин ака бўлиб ўтган воқеани эшитиб, хуши бошидан учди. Ғирт маст Салим хотинининг бошини дазмол билан уриб ёрибди. Шўрликни оғир аҳволда «Тез ёрдам» олиб кетибди.

— Падарига лаънат ичкиликни чиқарганни, — ғижиниб қўйди Салоҳиддин ака. — Шундай одобли, иболи аёлнинг уволи тутсин.

Шулар хаёлидан ўтар экан, ичини ит тирнагандек бўлди.

— Кечаси қизи чақирганда чиқсам бўлар экан. Бир чимдим уйқуни қизғониб.., — ўйлади у.

Кўп ўтмай Салимнинг хотини касалхонадан чиқди. Лекин энди у бир умрга ногирон бўлиб қолганди.

Ёки бўлмаса мана бу воқеани олиб кўрайлик.

Тоҳира оилада ёлғиз фарзанд эди. Ўрта мактабни тугаллагач, олий ўқув юртида таҳсил олди. Ақлли, чиройли, кўрган киши уни келин қилсам дерди. Қўшни маҳалладаги ўзига тўқ оиладан чиққан Мақсудхоннинг ҳам айнан шу қизга ишқи тушди. Кетма-кет совчи юбора бошлади. Лекин Тоҳиранинг кўнгли бошқада эди. Қизнинг бу қаршилигини Мақсудхон ҳазм қила олмади. Орага отасининг танишлари — казо-казолар ҳам тушишди. Ҳатто қизнинг кўнгли кимдалигини суриштириб билган «куёв» у билан гаплашиб қўймоқчи бўлиб «сен-менга» ҳам борди.

Ахир кўнгилга буйруқ бериб бўлар эканми? Буни била туриб Мақсудхоннинг тарафдорлари Тоҳиранинг устидан ҳар хил миш-мишлару, иғво тарқата бошлашди.

Эмишки, Тоҳира ёшлигида қаттиқ касалга чалинган экан. Буни ота-онасидан бошқа ҳеч ким билмасмиш. Яна айнан шу гапни Тоҳира кўнгил қўйган йигитга қайта-қайта айтишдан, унинг ота-онасига қизни ёмонлашдан чарчашмасди.

Лекин ёшлар ўз бахтлари учун астойдил курашишди.

— Ўша пайтларни эсласам аъзои баданим бўшашиб кетади, — дея ҳикоя қилади Тоҳира. — Менинг номимни бадном қилмоқчи бўлган кимсалар шунақанги ошириб юборишдики, асли қўяверасиз.

Албатта, бу гапни тарқатганларнинг мақсадини тушунса бўлади. Лекин уларнинг атрофидагилар сукутини қандай оқлаш мумкин? Ахир уларнинг кўпчилиги қизнинг соппа-соғлигини билишарди-ку. Била туриб, «менга нима» қабилида иш тутишди. Ҳозир ҳамма нарса ортда қолди. Ўртада эр-хотинни боғлаб турган уч нафар фарзанд бор. Ҳаётимдан ниҳоятда мамнунман. Гоҳи-гоҳида мендан бахтли киши бўлмаса керак деб қўяман, — дейди Тоҳира.

Ушбу сатрларни битяпману кўз ўнгимда «Ғалаба» маҳалла қўмитасининг собиқ раиси, марҳум Тўрахўжа ака ёдимга тушади. Бу инсон маҳалладаги ҳар бир киши — катта-ю кичикни беш қўлдек билар, ҳаммага сўзини ўтказарди. Бирор-бир кишининг бекорга азият чекишига йўл қўймасди. Унинг учун барча баробар эди. Кошки, ҳамма ҳам шундай йўл тутса...

Неъмат РАФИҚОВ, журналист

Газетанинг навбатдаги сони 7 май сешанба куни чиқади.

РЕКЛАМА

Чотқол дарёси бўйида жойлашган
«КОНСТРУКТОР»
Болалар соғломлаштириш оромгоҳи
йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилади
Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Дам олувчилар 5 маҳал овқат билан таъминланади. Турли хил дастурлар ва бассейн болалар ихтиёрида.
Мавсумнинг бошланиши —14. 06. 2013 й.
Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани., Ғалаба 1-уй Тел: 248-15-01; 248-10-03.

Хизматлар лицензияланган

«АСРЛАР САДОСИ – 2013»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 4-5 май кунлари Навоий вилоятида ўтказиладиган «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалида Нукус шаҳридаги «Суў серпер» фолклор-этнографик ансамбли жамоаси ҳам иштирок этади.

ФЕСТИВАЛГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

Шаҳар маданият уйи қошида фаолият олиб бораётган ушбу фолклор-этнографик жамоа қорақалпоқ халқининг миллий қуй-қўшиқларини қайта тиклаш ва уларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Фолклор жамоалар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгалламоқда.

Ижодий жамоа репертуаридан ўрин олган «Ай кўрмек» ва «Ай табақ» халқ ўйинлари, «Шанграқ», «Беташар», «Тусов кесув», «Суннат тўйи», «Она алласи» каби композициялар аждодларимизнинг қадим ўтмиши ва маданиятини намоён этувчи фолклор асарлар сирасига киради.

Қорақалпоғистонда профессионал ва халқ фолклор-этнографик ансамбллари, шунингдек, ўндан зиёд фолклор-этнографик жамоа фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан фолклор санъатини тиклаш ва ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб борилаётир, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий ўланлар, айтишувлар, миллий рақсларга қайта жило берилмоқда.

«Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали халқимизнинг ана шундай миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёшлар қалбида Ватанимизнинг кўҳна маданиятидан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 22. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 511 19831 nusxada bosildi 1 2 3 4 5